



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 1 май, шанба • №36 (11.631)

Эркин нархда сотилади

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

29 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи – Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сессия иштирокчилари депутат Й.Сулаймонов хотирасини ёд этдилар.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг март ойи охири, апрель ойининг бошида мамлакатимизда рўй берган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган фожиали воқеаларга принципиал сиёсий баҳо берди. Ўзбекистон Президенти бу террорчилик ҳаракатларини жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш, халқимизни дунёвий, демократик ривожланиш йўлидан қайтаришга уриниш сифатида баҳолади. Мамлакатимиз раҳбари халқаро террорчилик, экстремизм ва диний ақидапарастликнинг намоён бўлиш сабабларини чуқур ва батафсил таҳлил қилиб, улар Ўзбекистоннинг бугунги кунини ва келажак учун хавфли эканлигини қайд этди. Ислон Каримов мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорлик таъминлаш ҳар бир

фуқаронинг зиммасидаги масъулиятли бурч эканлигини таъкидлаб, сессия қатнашчиларини бундай таҳдидларга қарши курашни кучайтиришга чақирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Навоий конметаллургия комбинати бош директори Н.Кучерский Президент Ислон Каримов нутқида баён этилган фикрларни қўллаб-қувватлади ва Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасини қабул қилишни таклиф қилди.

Депутатлар Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасини тайёрлаш учун тахрир гуруҳини тузди. Танаффусдан сўнг Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов халқ вакиллари гуруҳи томонидан тайёрланган Мурожаатноманинг матнини ўқиб эшиттирди. Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида молия вазири М.Нурмуродов маъруза қилди. Мазкур масала юзасидан Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ўтган йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, Мингбулоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров, Ғаллаорол туманидаги Тозауруғ қишлоқ

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Бугун башарият ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамокда. Бир томондан илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараққий этиб, инсонпарварлик ғоялари, демократик қадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дунё бўйлаб қарор топиб бормокда. Айни вақтда ер юзининг турли минтақаларида қуролли можаролар рўй бераётгани, халқаро терроризмнинг янги-янги хуружлари оқибатида мингминглаб одамларнинг ҳаётдан қўз юмаётгани ҳам шу замоннинг аччиқ ҳақиқатидир.

Бундан бир ой аввал мамлакатимиз пойтахтида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида содир этилган, бир қанча бегуноҳ юртдошларимизнинг умрига зомин бўлган фожиали воқеалар ҳам бу ёвуз балонинг яна бир манфур намоишидир. Биз терроризм қурбони бўлган ана шу инсонларнинг, ёвуз кучларга қўксини қалқон қилиб, Ватанимиз хавфсизлиги, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётини асраш йўлида жонини фидо этган тинчлик посбонларининг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз. Бу юртдошларимизнинг номлари ва хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

Ушбу мудҳиш ҳодиса рўй берган куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов раҳбарлигида махсус ҳукумат комиссияси тузилиб, зудлик билан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани қўпуровчи кучларнинг пайини қирқиш, яна қанча ёвузликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконини берди.

Биз – халқ ишонч билдириб сайлаган ва унинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи Олий Мажлис депутатлари бу қабих хуружни Ўзбекистондаги барқарорликни кўролмайдиган сиёсий кучлар ва халқаро экстремистик марказлар томонидан эл тинчлигини бузиш, одамларнинг юрагига ғулғула ва ваҳима солиш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган ишончини сўндириш, халқимиз танлаган демократик тараққиёт йўлига ғов бўлиш мақсадида олдиндан тузилган режа асосида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, деб баҳолаймиз ва кескин қоралаймиз.

Республиканинг шаҳар-қишлоқларида, маҳалла ва турар жойларда сайловчилар билан бўлган учрашувларда билдирилган фикрларга суяниб, биз шуни қатъият билан айта оламизки, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига тажовуз қилишга уринаётган шахслар ҳеч қачон ўзининг қора ниятига етолмайди.

Биз юртимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, Ватан қудратини ошириш, маърифий дунё халқлари яшаётган фаровон ҳаёт даражасига эришиш учун бугун Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган изчил сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз, халқимизни бу йўлда янада жипслашишга, юртимизга қўл кўтарган разил кимсаларга кескин зарба бериш учун ҳар доим тайёр туришга чақирамиз. Бебаҳо бойлигимиз бўлмиш фуқаролар аҳилиги ва миллатлараро тотувлики янада мустаҳкамлаш – ҳар қандай ёвуз

кучларнинг хуружига қарши бизнинг энг муносиб жавобимиз бўлади.

Бунинг учун барчамиз ҳамisha хушёр, сезгир ва огоҳ бўлишимиз, террорчилик ва диний ақидапарастлик ҳаёлатига, дин никоби остидаги бузғунчилик кўринишларига қарши курашда ҳокимият идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишни, ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя этиш, асрашни муқаддас фуқаролик бурчимиз деб билмоғимиз лозим. Шуни алоҳида таъкидлаб айтмизки, муборак заманимизда бундай ёвузлик ва қабоҳатга йўл қўймаслик учун шу юртда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон бевосита масъулдир.

Олий Мажлис барча давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиб, уларни мамлакатимизда тинчлик ва тотувлики мустаҳкамлаш, мустақиллик, демократия ва тараққиёт ғояларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Ишонамизки, кўпни кўрган уруш ва меҳнат фаришлари, машаққатли синовларда мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт ободлиги йўлида ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилиги, таълим даргоҳларидаги устоз ва мураббийлар, маданият ва санъат намоёндалари, улаомларимиз мамлакат тинчлигини сақлаш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида терроризм ва экстремизмнинг даҳшатли хавфини очиб беришга қаратилган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Биз келажакимиз тимсоли бўлган ёшларни мана шу таҳликали ва мураккаб замонда ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга нисбатан фаол гражданлик позициясини намоён этишга, халқимиз машаққатли меҳнат билан эришаётган ютуқларни қадрлашга, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида бошлаган ишларимизнинг муносиб давомчилари бўлишга даъват этамиз.

Азиз ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси гўзал ва бетакрор диёримизда тинч-тотув яшаб, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган барча юртдошларимизни, жамики нияти пок, дунёқараш соғлом кишиларни террорчилик ва экстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашда янада ҳам-жихат бўлишга чақиради. Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан, ўз халқига озод ва фаровон турмуш шароити яратиб бериш, жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан ҳеч ким, ҳеч қандай ёвуз куч қайтара олмаслигини яна бир бор қатъий баён этади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган.

ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ТУЗИЛДИ

Кун кеча вилоятимиз оммавий ахборот воситалари ижодкорлари вакиллари Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимини ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Унда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимларининг вазифалари, матбуот, радио ва телевидениенинг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги

роли ва бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференция Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимини

ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг бош муҳаррири Фатхиддин Муҳиддинов уюшма вилоят бўлими бошқарувининг раислигига сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Иккинчи чақириқ халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Йўлдошбой Тожибоев Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасига тайинланганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди.

Сессияда Турсунбой Комилов Чиноз тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Козим Тўлаганов сўзга чиқди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

фуқаролар йиғини раиси Т.Норкулов, Олий Мажлисининг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси Ш.Хўжаниёзова, "Бухорондонмахсулот" ишлаб чиқариш-акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлисида депутатлар Паркент тумани ҳоқими М.Куччиев, "Лола-Узор" хусусий кўп тармоқли фирма директори Х.Мирзаахмедов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номли 2-мактаб директори Ж.Исроилов, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг етакчи хонандаси М.Раззокова, Андижон вилояти ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари котибияти мудири Н.Исроиловнинг чиқишидан сўнг номи зикр этилган қонунни ва уни амалга татиқ этиш ҳақидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонун лойиҳасини парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Бахронов, Қарши шаҳар ҳоқими И.Асадов, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси бош директори С.Умаров, Андижон вилоятидаги "Андижон наشريёт-матбаа" очик акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Нуғмонов, "Билдинг-технологиз" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси директори С.Ким қатнашди. Депутатлар ушбу қонунни ва уни амалда жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиев "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини сессияга тақдим этди. Бу ҳужжат муҳокамасида "Ўзбекистон матбуоти" журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари

Х.Дўстмухамедов, "Шаҳри-сабзконсерва" ишлаб чиқариш-акционерлик жамияти раиси Н.Исмоилов, Қумқўрғон тумани ҳоқими Н.Чориев, "Новатор" ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгаши раиси А.Матвеев, парламентнинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Э.Мирзаев иштирок этди. Депутатлар мазкур қонунни ва уни амалга татиқ этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Ушбу масала муҳокамаси чоғида Марғилон шаҳар ҳоқими А.Акрамов, "Спорт" ва "Ўзбекистон футбол" газеталари бош муҳаррири А.Болиев, Сирдарё вилояти халқ таълими бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Г.Латипова, Бандихон тумани ҳоқими У.Чўтбоев, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллоева ўз фикрларини билдирди. Парламент "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни ва уни амалда жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 30 апрель кунини Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Парламент сессиясининг иккинчи кунини "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатларга Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов тақдим этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу ҳақда ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари демократиянинг асосий институтларидан бири бўлган кўп партияли тизимни ривожлантириш учун "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш муҳимлигини таъкидлади. Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ортиб бораётгани туфайли мамлакатимиз раҳбари партиялар ишидаги камчиликларни тезда бартараф этиш, бўлажак парламентнинг Қонунчилик палатасига бўлғуси сайловларни

инобатга олиб, партияларнинг фаолиятини кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бунинг учун ҳар бир партия ўзига хос мақсад ва дастурга эга бўлиши керак. Сиёсий кучлар аҳоли, айниқса мулкдорлар синфи манфаатларини янада дадилроқ ҳимоя қилиши лозим, чунки бу соҳани қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ислам Каримов сиёсий партиялар етакчиларини депутатлар эътиборига ҳавола этилган қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этишга чақирди.

Мазкур ҳужжат юзасидан Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Қарши муҳандислик-иқтисод институтини ректори М.Нормуродов, Ўзбекистон либерал-демократик партияси раҳбари, "Пахтабанк" акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ.Тошматов, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлар фракцияси раҳбари, парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик ўз фикрларини билдирди.

Депутатлар бу қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ҳақида парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди. Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори В.Кучеров, Ангор тумани ҳоқими Т.Ҳамроев, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Қўқон шаҳар тиббиёт ўқув юрти директори З.Охунованинг чиқишларидан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев "Экспорт назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти А.Носиров, Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фермер хўжалиги раҳбари А.Аҳмедов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмита-

си раиси Ж.Сайфиддинов, Қизилтепа тумани ҳоқими Ш.Набиев, "Ўзкимёсаноат-лойиҳа" очик акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар "Экспорт назорати тўғрисида"ги қонунни биринчи ўқишда маъқуллади.

Парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлисининг қатор қўмиталари номидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Ушбу қонун қабул қилинди.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгазининг қарорларини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси Котибияти раҳбари Р.Жалиловнинг фуқаролардан тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Парламент Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглади. Ушбу масала бўйича С.Рашидова маъруза қилди ва депутатлар ҳисоботни маъқуллади.

Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилди ва маъқуллади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига айрим ўзгартишлар киритди. Б.Мустафоев, Б.Норхўжаев, М.Қутпиддиновни комиссия аъзолари этиб сайлади, А.Аҳадовни бу вазифадан озод этди.

Сессия Б.Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси вазифасидан озод этди. М.Абдусаломовни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд раиси лавозимига сайлади ва уни Олий ҳужалик суди раиси вазифасидан озод этди.

Парламент М.Фанижоновни Ўзбекистон Республикаси Олий суди судяси этиб сайлади ва И.Мамараимов, Н.Норкулов, Н.Тўхлиев ҳамда М.Хўжаевани Олий суд судяси вазифасидан озод этди.

Сессияда М.Ҳасанбоев Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судяси этиб сайланди. Т.Юсупов бу вазифадан озод этилди.

Депутатлар А.Аҳадовни Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси этиб сайлади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Вилоят ҳокимлигида

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш ва топонимик объектларга ном бериш вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Унда вилоят комиссиясининг 2004 йил биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ва навбатдаги вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят комиссияси раисининг ўринбосари, республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши вилоят бўлимининг масъул котиби Суяр Курбонкулов ахборот берди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда комиссия томонидан вилоят ҳокимлигининг бир қатор бўлим ва бошқармалари, идора, ташкилот, корхона ва муассасаларда, шунингдек шаҳар ва туман ҳокимликларида республика "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг ижроси ўрганилди. Бу борада вилоят ички ишлар бошқармаси, Марказий банкнинг вилоят бошқармасида муайян тажриба тўпланганлиги айтилди. Айни вақтда таҳлиллар айрим шаҳар ва туманларда, идора, ташкилотларда ушбу Қонуннинг ижросини таъминлашда қатор камчилик ва муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда. Айниқса, иш қоғозларини давлат тилида юритиш, атамаларни қўллаш ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тайёрлашдаги ҳар хилликларга барҳам беришда изчиллик етишмаяпти.

Комиссия йиғилишида мазкур Қонуннинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар ишини жонлантириш ҳамда топонимик жойларга ном бериш масаласига алоҳида масъулият билан ёндошиш зарурлиги таъкидланди.

Қўрилган масалалар юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

БОЛАЛАР – БОЛАЛАРГА

Янгийўл туманидаги «Нийёзбош» қишлоғида жойлашган 27-умумтаълим мактабининг 8-«а» синф ўқувчилари ҳамда синф раҳбари Моҳира Ўтбосарова янги ташаббус билан чиқишиб, Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйига ташриф буюришди.

Мақсад, мактаб ўқувчилари билан меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида ўзаро дўстлик алоқасини ўрнатиш эди. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган вилоят хотин-қизлар қўмитаси «Болалар – Болаларга» дастурини ишлаб чиқди. Ушбу дастур доирасида ўтган бу тадбирда ота-оналар ҳам четда туришмади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўқувчилар томонидан тайёрланган совғалар, турли ширинликлар, пиширилган улашилди. Ташаббускор ўқувчилар иштирокида ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар уларга манзур бўлди. Келгусида бундай тадбирни бошқа шаҳар ва туманларда жойлашган меҳрибонлик уйларида, мактаб-интернатларда ҳам давом эттириш режалаштирилди.

Гулнора ШОТУРСУНОВА.

«Бахт-иқбол... ҳуқуқиға эгаман» кўрик-танловига

Халқимиз азал-азалдан болажон, меҳр-мурувватли бўлиб, бағрикенглиги билан ҳурмат-эътибор топган. Ушбу фазилатларни инсонийлик бурчи деб билиш, ҳаётнинг пасту баланд синовларида қалби ўксик, меҳрга муҳтож кишиларни бағриларига олиб, кўнглини кўтаришган, туз-насибаларини бирга баҳам кўришган. Мана шу олийҳимматлилик ишлари юрак амри билан юзага келган.

Бугунги кунда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига алоҳида эътибор билан қаралади. Бу масканларда тарбияланаётган болаларнинг кўнгли ўксимаслиги, ўзларини ёлғиз ҳис этмасликларини учун барча имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, вилоятимизда 14 та меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари мавжуд. Ушбу муассасалардаги аҳволни тубдан яхшилаш, «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан ўтказиладиган ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан вилоят ҳокимлигининг режаси ишлаб чиқилган. Ҳар бир мурувват уйига масъул раҳбарлар бириктирилиб, ҳомий ташкилот ва бошқармалар белгиланган. Хусусан, Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйи ҳам ана шулар жумласидандир.

— Ҳозир бу ерда 174 ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда, — дейди меҳрибонлик уйи директори Шухрат Рўзматов. — Тарбияланувчилар етти гуруҳга бўлинган. Бошланғич синфдан тўққизинчи синфга қадар 3-ўрта мактабда ўқишади. Дарсдан бўш вақтларда гуруҳ раҳбарлари томонидан турли йўналишларда тўғарак машғулоти, қўшимча дарслар ўтказилади.

Ҳар бир йигит-қиз улғайиб,

иқтидор ва маҳоратларини намойиш этдилар. Шунингдек, қизлар ўртасида ўтган «Энг яхши тикилган юмшоқ ўйинчоқлар» танловида қўли гул Камола Турсунматова, Валерия Подкарито-ва, Наштарий Тожибоевалар ижоди юқори баҳоланиб, энг на-

ҳисси кучли ҳар бир инсон, жамоат ва нодавлат ташкилотлари саъй-ҳаракат кўрсатмоқда. Бизга меҳрибонлик уйида бундай мисолларни кўплаб айтишди. Биргина «Ўзавтотехизмат» очик акциядорлик бирлашмаси 6 миллион 391 минг 682 сўмлик хайрия ёрдами кўрсатди. Кун йўқки, бирор киши ёки корхона бу масканга кундалик зарур бу-



лашлари, мақсад, орзу-умидларини гапирётганларида тўлқинланиб кетасан киши.

Шундай экан, уларни ҳеч вақт эътибордан четда қолдирмай, ҳар биримиз моддий бўладими, маънавий ёки амалий кўмак бўладими, ҳолисона ўз ҳиссамизни қўшсак, мурғак қалблар кўнглини кўтарсак инсонийлик бурчимизни рўёбга чиқарган бўламиз.

Зеро, булар халқимизнинг азалий фазилатларидандир. Қолаверса, ушбу меҳрибонлик уйларида турли миллат фарзандлари улғайсаларда ҳеч ким, ҳеч қачон уларни ажратмайди. Аксинча, саҳийлик, мурувватлилик уларни ягона оилага бирлаштиради, эзгу мақсадларга йўналтиради.

Вилоятимизда бу борада кенг кўламли ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ҳокимлигининг шу йил 15 мартда тасдиқланган режасига мувофиқ бу меҳрибонлик уйидаги мавжуд аҳволни яхшилаш, қулай шарт-шароитлар яратиш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш асосий вазифа қилиб белгиланди. Мақсад – тарбияланувчи ҳар бир болага ғамхўрлик кўрсатиб, кўнглиларини ўқситмаслик. Уларни ҳар томонлама муҳофаза этиш билан бирга ҳаётга тўғри йўналтириш.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ — ИНСОНИЙ БУРЧ

ҳаётда ўз ўрнини топади. Улар келажақда кундалик турмушларида қийналмасликларини учун ўғил болаларга хунардандчилик, радиотехника ва бошқа тўғаракларда касб-хунарга кўникмалар берилади. Қизлар учун тикувчилик, тўқувчилик, юмшоқ ўйинчоқлар яшашнинг сир-асрорлари ўргатилади. Бу кўникмалар келажақда ҳеч бўлмаганда ўзларининг турмуш муаммоларини ҳал этишларида асқотади. Тўғаракларга 150 нафардан зиёд болалар қатнашади. Олаётган билимларини мустаҳкамлаб бориш учун турли мусобақалар, танловлар ўтказилиб турилади. Натижада ҳар бир машғулоти бесамар кетмайди. Хусусан, «Олам — болалар нигоҳида» расмлар танловида Дилшод Эргашев, Равшан Уздибоев, Жамила Маматкулова, Дониёр Раимжонов

мунали ишлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Ўтган 2003 йил 27 битирувчидан 25 нафари касб-хунардандчиликка киришга муваффақ бўлишди. Қолган икки бола иш билан таъминланди.

Меҳрибонлик уйида болаларнинг кўнглини ҳордиқ чиқаришлари учун қатор чора-тадбирлар белгиланган. Биринчи чорак давомида бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, байрам кунлари, муҳим саналарга бағишланган кечалар, кўрик-танловлар, мусикий дастурлар бўлиб ўтди.

Қалби ўксик болалар бошини силаш — халқимизнинг азалий фазилати. У бугун ҳам кенг намоён бўлмоқда. Етим-есирларнинг ўсиб-улғайиши, билимли бўлиб вояга етиши учун наинки давлат, балки қалбида эзгулик

юмлар, китоблар, спорт ашёлари ёки кийим-кечак совға қилмасин.

Тарбияланувчиларга ана шундай саховатпешалар томонидан 2004 йилнинг уч ойидаёқ 12 миллион 613 минг сўмликдан зиёд пойабзаллар, спорт кийимлари олиб беришди. Кичкинтойларга Ўзбекистон Бадий Академияси 70 дан ортиқ тасвирий санъат асарлари тақдим этди. Энди меҳрибонлик уйининг ўз галереяси бўлади.

Лекин, барибир улар қалбида меҳрга муштоклик зоҳир. Болакайларнинг кўзларига термулар экансиз, беихтиёр бир сўз айтиб, кўнглини кўтаргингиз, бир зум бўлсада чехрасидан нимтабассум кутасиз. Болалар билан суҳбатлашаётганингизда ана шулар ҳаёлингизни чулғаб олади. Келажақда қай соҳани эгал-

Қибрай туманида тадбиркор аёлларнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ишбилармон аёллар ўқув маркази ташкил этилди.

ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Бу ерда вилоятимизнинг барча туманларида бизнес соҳасида иш олиб бораётган аёлларнинг ҳар ойда бир марта ўқув семинарини ўтказиш назарда тутилган. Шунингдек, ишбилармонликда ўз омадини синаб кўрмоқчи бўлган хотин-қизлар ҳам марказдан тегишли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар олишлари мумкин.

Туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Наргиза Назарова, «Гулнора» хусусий корхонаси раҳбари Гулнора Муродова ва бошқалар янги очилган марказ тадбиркор аёлларнинг келгуси фаолиятида ижобий самара беришини таъкидладилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

ТАНЛОВДА ИСТЕЪМОЛЧИ — ЎҚУВЧИ

Истеъмолчи ҳуқуқи...

Бу икки сўз одамларимиз орасига кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Лекин, шу ҳуқуқ йўлида олиб борилаётган ишлар, тадбирлар кўлами ниҳоятда кенг. Чунки, фуқаро ким бўлишидан қатъи назар, у истеъмолчи. Шундай экан, у ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, уларни амалда қўлламоқлиги сув ва ҳаводек зарур. Чунки, бундан биздан талаб этмоқда. Биз бу мавзу теграсида ваъзхонлик қилиш фикридан йироқмиз. Ҳозир гап вилоят халқ таълими бошқармасида ташкил этилган тадбир тафсилотлари ҳақида.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмасининг ташаббуси билан ўтган ушбу кўрик-танловда вилоят Манопольдан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ҳамда халқ таълими бошқармаси каби ташкилотлар ҳамкор сифатида иштирок этишди. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни асосида умумтаълим муассасаларининг 9-11-синф ўқувчилари ўртасида вилоят кўрик-танлови ўтказилди.

— Кўрик-танлов ўтказишнинг асосий мақсади «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминлашда жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик


ҳужжатларини тарғиб қилишга қаратилгандир, — деди вилоят Манопольдан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хайрулло Йўлдошев.

Танлов шартларига кўра, у 3 босқичда ташкил этилди. Биринчи босқич 2004 йилнинг 5 апрелидан 12 апрелигача ўтказилди. Асосийси, бунда иштирокчилар ихтиёрий равишда қатнашишди. Мактабларда 10-синфда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун бўйича 17 соатлик дарслар қўйилганлиги, 9-синфларда эса, ҳуқуқ фанидан шу мавзу теграсида ўқувчиларга билим берилиши танлов ўтказилишида асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Вилоят босқичида шаҳар ва туман босқичларида 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган 63 нафар ўқувчи иштирок этди. Улар шу кун 50 та тест саволларига жавоб бериб, баҳсга киришишди. Биз шу кун танлов қатнашчиларини суҳбатга тортдик.

Азиза Назиржонова, Зангиота туманидаги 24-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Танлов менга истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари борлигини



СУРАТДА: танловдан лавҳа.

ўргатди. Биз ўқувчи бўлсакда, лекин жамиятда истеъмолчи деган номга эгамиз. Ҳеч ким бизга келиб мана бу сени ҳуқуқинг, бунда ҳимоя қилишинг керак, деб кўрсатиб бермайди. Шу маънода танлов менга кўп нарсани ўргатди.

Муяссар Эргашева, ўқитувчи:

— Ўқувчиларим танловда иштирок этаяпти-ю, ўзимнинг ўқувчилик даврим ёдимга тушяпти. Бизнинг даврда бундай кўрик-танлов у ёқда турсин, истеъмолчи деган сўз маъноси тушунтирилмаган. Танлов натижаси ўлароқ бу борадаги билимларимни янада мустаҳкамладим.

Шундай қилиб, ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, 92 балл билан Ўртачирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нодир Қажҳоров биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин эса, Янгийўл туманидаги 45-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Акмалжон Абдурахмоновга насиб этди. Мана шу икки ўқувчи 5 майда бўлиб ўтажак республика танловида йўлланмани ҳам қўлга кириштирди. Пскент туманидаги 4-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жасурбек Эргашев фахрли учинчи ўрин

сохибига айланди.

Бундан ташқари, «Энг зукко истеъмолчи» унвонига Бўстонлик тумани вакили Зафар Раҳимжонов сазовор бўлди. Ўқувчиларнинг устозлари «Энг яхши ташкилотчи» фахрий ёрлиғи билан тақдирланишди.

Ҳа, танлов ўзига хос ўтди. Айниқса, унинг биринчи марта ўтказилаётганлиги кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотди. Айни вақтда танловнинг иштирокчиси сифатида айрим мулоҳазалар туғилди. Назаримизда, уни янада юқори савияда ўтказиш учун танлов шартларини аниқ ва лўнда ифодалаган ҳолда иштирокчиларга етказиш керак. Шунингдек, унинг ёшлар, яъни ўқувчилар ўртасида ўтказилаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Чунки улар ҳар бир масалага алоҳида эътибор билан ёндашдилар. Уларнинг назарида камчилик бўлиб туюлган ҳолат ҳам ҳис-туйғуларига акс таъсир кўрсатади. Умид қиламизки, бизнинг бу мулоҳазаларимиз келгусида ташкилотчилар томонидан инобатга олинади.

Хурида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Dushanba

3

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
9.40 «Нурли манзиллар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача»
12.30 «Дастурхон

атрофида».
12.45 Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова.
13.10 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
14.10 «Иктидор». Телеуин.
15.00 Кундузги сеанс: «Стенли ва Айрис». Бадий фильм.
16.35 «Ўздэуавто Сиз учун»
16.50 Мусликий танаффус.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Ғаройибкентга саёхат»
2. «Олтин тож». Телевизион уйин.
18.10 «Труншиннинг мухаббати» мультфильм
18.20 «Саховат»
18.35 «Олтин мерос».

18.45 «КиноТеатр»
19.05 ТВ клип.
19.05 «Мулкдор»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот»
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили.
«Химмат»
21.25 Мусликий танаффус.
21.35 «Бир жиноят изидан»
22.00 «Аёл эрки»
Телесериал премьераси. (Япония)
22.40 «Ўзбекистон - умумий уйимиз»
23.30 «Ахборот-дайжест»
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
16.55 Кўрсатувлар дастури
17.00 «Давр» ҳафта

ичида
17.30 Жаҳон югрофияси
18.15 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърляти
18.30 Тафаккур ёлқинлари
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» - репортаж
19.45 ТВ-анонс
19.50 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ
20.10 «Бета» чой: 33 хил имконият
20.15 Ёшлар овози
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Елгон асираси» Телесериал
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.40 «Экс-пресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул»
20.20 «Мурувват»
21.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»
21.55 ТТВда сериал. «Индаба»
22.20 Кинонигоҳ.
«Элвис ва мен» 1-серия.
23.40-23.45 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Талаба ва спорт»
9.10 «Даззат»
9.30 «Иил кўшиги». Финал. 3-қисм.
11.40 Хужжатли фильм.
12.10-14.20 «Мононоке маликаси». Мультфильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.10 «Кулгули одамлар»
17.15 Л.Измайлов дастурида.
18.20 «Олтин граммофон»
20.00 «Время»
20.20 Болалар спорти: «Оилавий спорт»
20.35 «Спорт ҳафтаси»
21.00 «Хабарлар» (ўзбек тилида).

21.15 «Бизнес-ревью»
21.20 Мини футбол. Ўзбекистон кубоги.
«Зафар 17»
«Курувчи»
21.50 Жаҳон спорти: «Профф-РИНГ»
22.50 «Эртага футбол»
23.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Трактор» - «Насаф»
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал

16.55 гача профилатика ишлари
16.55 Ойроқте программы
17.00 «Детский час»
18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Смертельная ловушка», остроружетный фильм
20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Таксист», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши»
21.30 «Теле-хамкор»
22.10 Киновечер на «30-м»: «Дядя Адольф по прозвищу «Фюрер», комедия 24.00 Программа передач

Seshanba

4

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.
9.50 Мусликий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Мулкдор»
10.25 «Турна патлари». Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.30 «Рангин дунё»
11.50 ТВ клип
12.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Химмат»
12.25 «Тиббийёт одимлари»
12.40 «Кишлоқ ҳаёти»
13.00 «Кавингтон Кросс». Телесериал
13.50. Мусликий танаффус
14.10 «Портретга чизгилар»

14.30 Симфоник музика дунёси.
14.50 Кундузги сеанс: «Аёл эрки». Телесериал.
15.30 «Бизнес-ҳафта»
15.45 «Антика томоша»
16.15 «Ит уяси». Телесериал.
16.40 «Бунни умр дерлар»
16.55 ТВ анонс.
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Остонаси тиллодан»
18.30 Бир жуфт қўшиқ.
18.40 «Тафсилот»
18.55 «ТВ Бинго миллионер». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот»
21.05 «Истеъмолчи»
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артистлар. Н.Раҳматов.
21.50 «Ифтихор»
22.15 «Аёл эрки». Телесериал премьераси.
22.55 «Ахборот-дайжест»
23.15- 23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Давр»-репортаж
9.35 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер»
10.25 Саломатлик сирлари
10.45 «Ўзбектеле-фильм» студияси намоиши: «Тут сайли»
11.10 Мульттомоша
11.25 Кишлоқдаги тенгдошим
11.45 ТВ-анонс
11.50 «Елгон асираси». Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусликий лаҳзалар
13.00 Давр

13.10 ТВ-анонс
13.10 Болалар учун мультсериал: «Рокки ва унинг дўстлари»
13.25 «Янги авлод» студияси: Болалар шеърляти
13.40 Интерфутбол
15.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
16.00 Давр
16.10 «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм
17.20 ТВ-анонс
17.25 Кўрсатувлар дастури
17.30 «Янги авлод» студияси: Еқимли иштаха
17.50 Таянч
18.10 Янги алифбони ўрганимиз
18.25 Ёшлар овози
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»- интервью
19.50 ТВ-анонс
19.55 Мусликий лаҳзалар
20.05 Сув - ҳаёт манбаи
20.10 Марди-майдон
20.30 Ота-она излайман
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Елгон асираси».

си». Телесериал
21.30 Ғазал соғинчи.
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Футбол-плюс
23.05 «Ҳақиқатни аниглаш». Бадий фильм
0.45-0.50 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.50 «Экс-пресс» телегазетаси
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул»
20.20 «Туризм ҳақида»
21.05 «Инсон ва қонун»
21.45 ТТВ да сериал : «Индаба»
22.10 «Ҳамшаҳарлар»
22.50 Кинонигоҳ.
«Элвис ва мен» 2-серия.

00.10-00.15 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 Болалар спорти: «Оилавий спорт»
9.15 Д.Криловнинг «Йўлда ёзилмаган кайдлари»
9.30 «Хамма уйдалигида»
10.00 «Олтин граммофон»
11.40 От спорти. Ўзбекистон чемпионати.
12.10-13.40 «Учинчи Бетховен»Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.10 В.Леонтьев, Лолита, Н.Басков ва бошқалар «Золушка» мюзиклида.
19.20 «Болалар спорти»
19.35 Мини футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал.
20.35 «Баҳодирлар уйини».

21.00 «Хабарлар» (ўзбек тилида).
21.15 «Бизнес-ревью»
21.20 Жаҳон спорти: «Еврофутбол»
22.55 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси «Нефчи» - «Сепархон»
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Таксист», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Дядя Адольф по прозвищу «Фюрер», комедия 16.10 «Ошикона», мусикий дастури 16.30 «Агентство», юмористический сериал 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Анастасия. Любовь и возмездие», мелодрама 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Таксист», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Интакто», триллер 24.00 Программа передач

Chorshanba

5

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Хужжатли телесериал.
9.50 Мусликий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «От». Мультфильм.
10.15 «Тафсилот»
10.30 «Ойдан тушган малика». Бадий фильм. 1-қисм.
11.25 «Остонаси тиллодан»
11.45 «Соз сеҳри»
12.05 «Бир жиноят изидан»
12.30 «Табият шифохонаси»
12.40 Телевизион миниатюралар театри. «Миш-миш»
13.00 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
13.50 Мусликий танаффус

14.10 «Истеъмолчи»
14.30 Эстрада тароналари.
14.50 Кундузги сеанс: «Аёл эрки». Телесериал.
15.30 «Оламни асранг!»
15.50 ТВ клип.
16.00 «Гона оилада»
16.30 «Ит уяси». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Яшил чирок»
2. «Кизикарли учрашувлар»
18.10 «Хунарманд»
18.30 «Куйла, ёшлигим»
18.45 «Умр мазмуни»
19.05 «Хаёт ва қонун»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оқшом эртаклари»
20.15 «Юзма-юз»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Журналист тахлили»
21.25 Ватан мадҳи
21.40 «Қабоҳат йўли».

Хужжатли фильм.
22.00 «Аёл эрки». Телесериал премьераси.
22.40 «Ахборот-дайжест»
23.00-23.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Еқимли иштаха
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер»
10.15 Ракурс
10.30 Футбол-плюс
10.50 Таянч
11.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
11.50 «Елгон асираси». Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусликий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал. «Рокки ва унинг дўстлари»
13.30 «Янги авлод»

студияси: У ким? Бу нима?
13.50 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ
14.10 Ота-она излайман
14.15 Ғазал соғинчи
14.35 «Экспедиция». Хужжатли сериал
15.25 Янги алифбони ўрганимиз
15.40 Олов билан юзма-юз
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Эртақлар тарк этган дара». Бадий фильм
17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.55 Тенгдошлар
18.15 Ракурс
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Мусликий лаҳза
20.15 Очил дастурхон
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Елгон асираси». Телесериал
21.30 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос

22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари
23.35-23.40 Хайрли тун

«Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.45 «Экс-пресс» телегазетаси.
18.15 «Мусликий меҳмонхона»
18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул»
20.20 «Аёл қалби»
21.20 «Химоя»
22.00 ТТВда сериал. «Индаба»
22.25 Кинонигоҳ.
«Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари»
23.55-24.00 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»

(ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Болалар спорти»
9.15 «Кувноқ стартлар»
9.50 Ушу. Ўзбекистон чемпионати.
10.10 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.45 От спорти. Ўзбекистон чемпионати.
11.15 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.45-13.05 «Серкўёш водий таронаси» бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси «Пахтакор» - «Зобархон» Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Кучли бешлик». Англия.
19.40 Талаба ва спорт.
19.55 Спорт-антракт.
20.00 «Время»
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Олимп сари

йўл»
«Хабарлар» (ўзбек тилида).
21.15 «Бизнес-ревью»
21.20 Кулги тайм
21.35 Футбол. Европа чемпионлар лигаси «Депортиво» - «Порту»
23.15 Экстрим-спорт
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал

12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Таксист», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Интакто», триллер 16.10 «Лучшие клипы» 16.20 Передача анонс фильма «Севинч» 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Мужчина русалка», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Таксист», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Безумные дни», комедия 24.00 Программа передач

Payshanba

6

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Яшил чирок»
2. «Кизикарли учрашувлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Бир том остида». Мультфильм.
10.15 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Ойдан тушган малика».

Бадий фильм. 2-қисм.
11.30 Ю.Ражабий номидаги маком ижрочилари кўриқтанлови.
11.55, 15.55 ТВ анонс.
12.05 «Қабоҳат йўли». Хужжатли фильм.
12.25 ТВ клип.
12.35 «Ҳаракатда-баракат»
12.50 «Парадизо» кинотеатри. Бадий фильм. 1-қисм.
13.50 Мусликий танаффус.
14.10 «Журналист тахлили»
14.30 «Аския»
14.45 Кундузги сеанс: «Аёл эрки». Телесери-

ал.
15.25 «Яхшилик»
16.00 «Парле ву франсе?»
16.20 «Ит уяси». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Баликининг мовий осмони»
2. «Цирк, цирк, цирк»
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Агар Сиз...»
18.35 «Зийнат»
18.55 Мусликий танаффус.
19.05 «Соғлом она - соғлом бола»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари»
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».

21.05 Телемулоқот.
21.45 «Халқ севган шоир». Видеофильм. 1-қисм.
22.10 «Парламент вақти»
22.30 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи»
23.30 «Ахборот-дайжест»
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер»
10.15 «Ўзбектеле-фильм» студияси

намоиши: «Эллик-қалъа». «Баҳор»
10.40 Тафаккур ёлқинлари
10.55 Сув - ҳаёт манбаи
11.00 Аёллар хангомаси
11.30 Тенгдошлар
11.50 «Елгон асираси». Телесериал
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусликий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 «Мушукча ва йўл ҳаракати» Мультфильм
13.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
13.55 Спорт-китъаси (рус тилида)
14.25 Автопатрул
14.45 «Экспедиция» Хужжатли сериал
15.35 Ракурс
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Мухаббат

тилсими». Бадий фильм
17.25 ТВ-анонс
17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 «Янги авлод» студияси: Шохсупа
17.55 ТВ-адвокат
18.00 Ёшлар овози
18.20 Табобат оламида
18.45 ТВ-афиша
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»- интервью
19.50 «Заковат» интеллектуал уйини
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.45 «Елгон асираси». Телесериал
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ишонч заволи». Бадий фильм.

0.15-0.20 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда»
17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориж хабарлари»
18.00, 20.45 «Экс-пресс» телегазетаси.
18.15 «Навниҳол»
18.30, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул»
20.20 «Аёллар салтанати»
21.00 «Устозлар зиёси»
21.45 «Бурч ва масъулият»
22.05 ТТВда

сериал. «Индаба». 22.50 Кинонигоҳ. «Поезддаги катта ўғрилиқ». 00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида).
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Спорт-клуб». 9.10 «Клон». Сериал. 10.20 Мультсериал: «Мушук ва сичкон». 10.40 Дисней клуб: «Тимон ва Пумба». 11.00 «Болалар спорти». 11.15 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. 11.45 «Майдон орти-

даги одам». 12.00 От спорти. Ўзбекистон чемпионати. 12.30-13.05 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Нафис». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида). 17.15 «Спорт антракт». 17.20 Ҳужжатли фильм.

17.50 «Клон». Сериал. 18.50 «Миллионга кир ювиш». 19.00 «Кучли бешлик». Испания. 19.50 «Спорт-антракт». 20.00 «Время». 20.35 «Болалар спорти». 20.50 «Спорт - менинг ҳаётим». 21.00 «Хабарлар»

(ўзбек тилида). 21.15 «Бизнес-ревю». 21.20 «Нокаут». 21.50 «3-тайм». 22.20 Футбол. Европа чемпионлар лигаси «Челси» - «Монако». 23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие программы 12.05 «Теле-хамкор»

12.30 «Детский час» 13.00 «Таксист», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Безумные дни», 16.20 «Агентство», юмористический сериал 16.50 «Тайны мира», познавательная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор»

18.30 Киновечер на «30-м»: «Шла собака по ролю», комедия 20.00 «Ошикона», мусикий да-стур 20.20 «Таксист», сериал 21.10 «Спокойной ночи малыши» 21.30 «Теле-хамкор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Счастливы вместе», комедия 24.00 Программа передач

JUMA

7

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Цирк, цирк, цирк». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Зийнат». 10.25 «Кирол шер». Мультфильм. 11.50 ТВ клип. 12.05 Наманган вилояти «Наврўз» фольклор-этнографик ансамблининг концерти. 12.25 «Халқ севган шоир». Видеофильм. 1-қисм. 12.50 «Парадизо» кинотеатри. Бадий фильм. 2-қисм. 13.50 Мусикий танлаффус. 14.10 Телемулоқот. 14.50 «Меҳр улашиб».

15.10 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Тарих кўзгуси». Премьера. 15.25 «Агар Сиз...». 15.50 «Раксинг сеҳри олами». 16.10 «Ит уяси». Телесериал. «Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Кўшигим - жон кўшигим». 2. «Уйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. 17.35 «Мувоzanат». 18.10 «Куйла, ёшлигим». 18.30 «Сихат-саломатлик». 18.50 «Тафсилот». 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустаҳкам-лиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртакла-ри. 20.15 «Дастурхон атрофида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 Бир жуфт кўшиқ.

21.45 «Халқ севган шоир». Видеофильм. 2-қисм. 22.10 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бобби». Бадий фильм. 1-қисм. 23.40 «Ахборот-дайжест». 24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури 8.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа 8.50 ТВ-анонс 8.55 Иқлим 9.00 Давр 9.25 Тонгги сериал. «Живз ва Вустер» 10.15 «Давр»-интервью 10.30 «Ўзбектеле-фильм» студияси намойиши: «Афсона-вий шахарда». «Бахмал» 10.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури 11.40 «Бугундордаги уйча». Мультфильм 11.50 «Ёлгон асира-си». Телесериал 12.30 Ёшлар овози 12.50 Мусикий лаҳза-лар 13.00 Давр

13.10 ТВ-анонс 13.15 Болалар учун фильм. «Кулол ва хумча» 14.30 Бахтли болалик 14.45 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал 15.35 Мезон 15.55 ТВ-анонс 16.00 Давр 16.10 «Бегоналарнинг кириши мумкин эмас, мумкин...» Бадий фильм 17.20 Кўрсатувлар дастури 17.25 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри 17.45 Аскар мактубла-ри 18.05 Кишлоқдаги тенгдошим 18.25 Сен ёлғиз эмассан 18.45 ТВ-афиша 18.50 Олтин мерос 18.55, 21.55 Иқлим 19.00 Давр 19.35 ТВ-анонс 19.40 Синфдош 20.10 Давр. Миллий хавфсизлик 20.30 Ота-она излай-ман 20.35, 22.35 Ёлонлар 20.40 «Ёлгон асира-си». Телесериал 21.25 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим 21.50 Олтин мерос 22.00 Давр 22.40 ТВ-анонс

22.45 Кинотакдим 23.05 Автосалтанат 23.20 «Ёшлар» телека-налида спорт дастури: Интерфутбол 0.10-0.15 Хайрли тун **«Тошкент»**
17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВда сериал. «Луиза Фернанда». 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 17.55 «Хорж хабар-лари». 18.00, 20.40 «Экс-пресс» телегазетаси. 18.15 Болажонлар экран. 18.30, 20.00, 21.15, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 19.20 ТВда сериал. «Бебилиска пул». 20.20 «Навбатчи ким». 20.55 «Саломат бўлинг». 21.35 ТВда сериал. «Индаба». 22.20 Кинонигоҳ. «Келиб айтганла-рим». 23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида). 7.45 «Бардам

бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида). 9.00 «Болалар спорти». 9.15 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. 9.45 «Дадиллик учун соврин». 10.10 От спорти. Ўзбекистон чемпионати. 10.40 «Спорт клуб». 10.50 Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Зафар 17» - «Нурфайз». 11.25 «Спорт маскан-ларида». 11.50-13.15 «Sport TV» да кино: «Осмон-дан тушган фариш-талар». Бадий фильм. 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида). 17.15 Болалар спорти. «Полвонжон». 17.35 «Кучли беш-лик». Италия. 18.25 «Дунёга назар». 18.50 «Муъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.45 «Ўзбекистон ифтихорлари». 21.00 «Хабарлар»

(ўзбек тилида). 21.15 «Бизнес-ревю». 21.20 «Махорат кирралари». 21.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 23.25 «Х-Спорт». 23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Открытие про-граммы 12.05 «Теле-хам-кор» 12.30 «Детский час» 13.00 «Таксист», сериал 13.50 «В Мире Спорта» 14.30 Художественный фильм, «Счастливы вме-сте», комедия 16.10 «Ошикона», мусикий да-стур 16.30 «Юмористи-ческая передача» 16.50 «Тайны мира», познава-тельная передача 17.40 «Детский час» 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Ки-новечер на «30-м»: «По-лицейская академия 2», комедия 20.00 «Ошико-на», мусикий дастури 20.20 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поедин-ки звезд профессиональ-ного и любительского бокса 21.10 «Лучшие клипы» 21.30 «Теле-хам-кор» 22.10 Киновечер на «30-м»: «Красная жара», острозжетный фильм 24.00 «Ночной канал» - «Смертельное проща-ние», триллер

Shanba

8

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ анонс. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёра-си»:
9.00 1. «Кўшигим - жон кўшигим». 2. «Уйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. 10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этикод мустаҳ-камлиги йўлида». 10.20 «Мусика дунёси». 10.40 «Бу турфа олам». 11.30 «Гап чикди». 12.10 «Данди» лақабли тимсоҳ. Бадий фильм. 13.45 «Халқ севган шоир». Видеофильм. 2-қисм. 14.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз».

2. «Умид». 3. «Дур-даршан». 15.10 «Мамитти - ороллар фарзанди». Бадий фильм. 16.40 «Изҳор». Мусикий дастур. 16.55 «Қалб гавҳари 17.15 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли». 17.45 Мусикий танла-фус. 17.50 «Рангин дунё». 18.10 «Жиз-биз». Ҳажвий кўрсатув 18.30 «Кишлоқ ҳаёти». 18.50 «Шарқ тарона-лари». 19.10 «Ўзлотто». Телелотерея. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 20.00 Оқшом эртакла-ри. 20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиликлари» (инглиз тилида).

20.30 «Ахборот». 21.05 «Ўзбегим ўғлонлари». Телето-моша. 22.35 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бобби». Бадий фильм. 2-қисм. 00.05 «Ахборот-дайжест». 00.25-00.30 Ватан тимсоллари

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури 8.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри 8.50 ТВ-анонс 8.55 Иқлим 9.00 Давр 9.25 ТВ-анонс 9.30 Табобат оламида 9.55 Ота-она излайман 10.00 Давр. Миллий хавфсизлик 10.20 «Ёлгон асира-си». Телесериал 11.00 Жаҳон жуғрофия-си 11.50 Очил дастурхон 12.10 Мусикий лаҳза 12.15 Синфдош

12.45 Интерфутбол 14.25 «Шум бола». Бадий фильм 15.55 Кишлоқдаги тенгдошим 16.15 Жаҳон цирки. Массимо 17.05 Кўрсатувлар дастури 17.10 «Янги авлод» студияси. Билагон маслаҳати 17.30 Мульттомоша 17.45 Бола тилидан 18.15 Бизнес-академия 18.35 Каталог 18.45 ТВ-афиша 18.50 Олтин мерос 18.55, 21.55 Иқлим 19.00 Давр 19.35 «Давр» - репортаж 19.45 ТВ-анонс 19.50 Саёхатнома 20.10 Оханабо 20.50, 22.35 Ёлонлар 20.55 «Қочоқ». Бадий фильм 22.00 Давр 22.40 «Қочоқ». Бадий фильм. (давоми) 23.55-0.00 Хайрли тун
«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 Болажонлар экран. 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 17.55 «Мультчархпа-лак». 18.15 «Хусусийлашти-риш: кадам-бака-дам». 18.35 «Жаҳон геогра-фияси». 19.05, 20.25 «Экс-пресс» телегазетаси. 19.20 «Экран зийнати ва киймати». 19.50 «Афиша». 20.10 «Мисли гавҳар». 20.40 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 21.10 Ўзбектелефильм студияси намойиш этади: «Жалолитдин Мангуберди». 21.25 «Нима учун?». 21.55 «Бахтли бўлинг». 22.40 Кинонигоҳ. «Амазония». 24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида). 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида). 9.00 «Тренер».

9.10 «Лаззат». 9.30 «Машхурлар Қ Машхурлар - 2» 10.40 «Аралаш». 11.00 Болалар спорти. «Полвонжон». 11.20 Жаҳон спорти: «Профф - РИНГ». 12.20 От спорти. Ўзбекистон чемпионати. 12.50 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. 13.20 -13.50 Баскетбол оламида «NBA-Jam» 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида). 17.10 «Ким милли-онер бўлишни истайди?». 18.10 Концерт. 20.00 «Время». 20.20 «Болалар спорти». 20.35 «Футбол мундиал». 21.00 «Хабарлар» (ўзбек тилида). 21.15 «Захирадаги спортчи» Ё.Саъдиев. 21.35 Мини футбол. Ўзбекистон чемпиона-ти. «Пахтакор» - «Солиқчи».

22.10 «Sport TV» да кино: «Радио». Бадий фильм. 24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Открытие про-граммы 9.05 «Теле-хам-кор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Проданный смех», 1-се-рия 11.30 «Окно в мир» - документальный фильм 12.00 «Красная жара», острозжетный фильм 13.40 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поедин-ки звезд профессиональ-ного и любительского бокса 14.30 Индийское кино: «Я полюбил» 17.00 «Пещера золотой розы», сериал 18.00 «Теле-хам-кор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Битва драконов», острозжетный фильм 20.00 «Ошикона», муси-кий дастури 20.20 Пере-дача - анонс фильма «Се-винч» 20.40 «Теле-хам-кор», фойдала газета 21.10 «Дальнотойишки», сериал 22.20 Киновечер на «30-м»: «Цирк неви-димка», острозжетный фильм 24.00 «Ночной канал» - «Семь», триллер

Yakshanba

9

«Ўзбекистон»
ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Хониш». Мусикий дастур. 11.45 «Яхшилар ёди». 12.05 «Лаззат сеҳри». 12.35 «Алпомиш». Бадий фильм. 1-қисм. 13.50 ТВ клип. 14.00 «Қорақалпоқ-нома». 14.20 «Алпомиш». Бадий фильм. 2-қисм. 15.35 «Дўстлик» студияси: 1. «Ран-гинкамон». 2. «Ди-дар». 3. «Айчурек». 4.

«Чинсэн». 16.55 ТВ анонс. 17.00 «Анъаналар этади давом». Мусикий дастур. «Болалар сайёраси»: 17.30 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.30 «Шахсий фикр». 19.00 Мумтоз наволар. 19.10 «Бизнес ҳафта». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёлонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида). 20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Ободлик кўнгилда-дир». 21.45 «Ўлмас оҳанг-лар». «Якшанба кинозали»: 22.45 «Ёдгор». Бадий фильм. 23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури 8.30 «Янги авлод» студияси: Билагон маслаҳати 8.50 ТВ-анонс 8.55 Иқлим 9.00 «Давр»-репортаж 9.10 Кинотакдим 9.30 Томорқа 9.40 «Умрбоқий кўшиқлар» Мусикий фильм 10.15 Автосалтанат 10.30 «Ўрмон эртакла-ри». Мультфильм 11.00 Оханабо 11.40 «Ёшлар» телека-налида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон 2. Аскар мактублари 12.20 «Хотира хиёбо-ни». Видеофильм 12.40 Ринг қироллари 13.30 «Адоқсиз йўл». Бадий фильм 15.00 Мусикий лаҳза-лар 15.10 ТВ-анонс 15.15 2004 - Меҳр ва мурувват йили. Азизим 15.40 «Экспедиция».

Ҳужжатли сериал 16.30 «Килни қирқ ёриб» Интеллектуал ўйин 17.20 ТВ-анонс 17.25 Кўрсатувлар дастури 17.30 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси 17.50 Мульттомоша 18.20 Дунё ажойибот-лари 18.30 Спорт ҳафтано-маси 18.45 ТВ-афиша 18.50 Ватан ҳақида кўшиқ 18.55, 21.55 Иқлим 19.00 «Давр» - news 19.20 ТВ-анонс 19.25 Ака-ука Мўминов-лар куйлайди 19.45 Сув - ҳаёт манбаи 19.50 «Заковат» интеллектуал ўйини 20.50, 22.30 Ёлонлар 20.55 Устозларни эслаб 21.00 «Яратганга шукур». Бадий фильм 21.50 Олтин мерос 22.00 «Давр» ҳафта ичида 22.30 «Яратганга шукур». Бадий фильм (давоми) 23.30-23.35 Хайрли тун

«Тошкент»
17.10 Кўрсатувлар тартиби 17.20 Болажонлар экран. 17.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 17.55 «Эртақларнинг сеҳри олами». 19.55 «Ёдномма». 20.05 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув. 20.20, 21.25 «Экс-пресс» телегазетаси. 20.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 21.05 «Дугоналар». 21.40 «Тошкент ва тошкентликлар». 21.55 «Тенгдошлар». 22.25 «ТВ плюс». 22.55 Кинонигоҳ. «Бу бепойн олам». 00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар» (ўзбек тилида). 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида). 9.00 «Полвон бўлмоқ-чиман».

9.10 «Кувноқ старт-лар». 9.45 Мультфильм. 10.25 «Ракибингиз гроссмейстер». 10.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати. 11.10 «Спорт - менинг ҳаётим». 11.20 «Халқ ўйинла-ри». 11.35 «Каратэ бўйича А.Юлбарисов хотира турнири». 12.00-13.50 Е.Леонов ва А.Папанов ва бошқалар «Беларус вокзали» фильмида. 16.55 Кўрсатувлар тартиби 17.00 «Хабарлар» (рус тилида). 17.15 «Бинафша». 17.35 Жаҳон спорти: «Теннис». 18.35 «Спортимиз фидойилари». Мамажон Муҳиддинов-ни хотирлаб. 18.50 ФИФА. 19.50 «Пахтакор-79». «Хотира қанотлари». 20.20 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». 21.00 «Хабарлар»

(ўзбек тилида). 21.15 Чет эл эстрада-си юлдузлари концерт дастури 23.00 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Открытие про-граммы 9.05 «Теле-хам-кор» 9.30 «Детский час» 10.00 Фильм детям: «Проданный смех», 2-се-рия 11.30 «Теле-хамкор» 12.00 «Цирк невидимка», комедия 13.40 «Детский час» 14.30 Дневной кинозал: «Экипаж машины боевой» острозжетный фильм 16.20 «Пещера золотой розы», сериал 17.10 «Дикая планета», познавательная передача 18.00 «Теле-хамкор» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Шантаж», трил-лер 20.00 «Ошикона», мусикий дастури 20.20 «Спорт - экстрим» 20.40 «Теле-хамкор» 21.10 «Дальнотойишки», се-риал 22.20 Воскресный ки-новечер на «30-м»: «На войне как на войне», о-строзжетный фильм 24.00 Программа пере-дач

— Шарқ амалий санъати дурдоналари ўзига хос жуда катта мўъжизавий намуналарига эга. Ўзбекистон шарқ мамлакатлари орасида ўзининг бой тарихи, санъати ва маданияти билан алоҳида ажралиб туради. Ўлкамизнинг дунёга доғруғи кетган кўҳна, ноёб меъморий обидалари миллатимиз, маданиятимиз кўркидир, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаев.

ХАЛҚ УСТАСИ



Халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаев шогирдлари даърасида. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Сирожиддиннинг болалик даври Зангиота туманидаги Қатортол қишлоғининг Уратепа маҳалласида ўтган. У мактаб ёшига етгач, Эшонгузардаги 14-мактабда таълим олди. Ёшлик давридаёқ унда рассомликка, амалий санъатга бўлган қизиқиш кучая борди. Тасвирий санъат ўқитувчиси Исмоил Каримовнинг дарсларидан ўзгача таассурот оларди. Устозининг касбий маҳорати, ҳар бир машқларни ўта нафислик, табиийлик билан тасвирлаши, ўқитиш услублари унда янги-янги иштиёқлар уйғотарди. У олаётган билими билан чегараланибгина қолмай, мактаб деворларидаги расмлар чизар, байрамларда турли-туман безак ишларига бевосита аралашиб юрарди. Мана шу юмушлар жараёнида мустақил ишлаш, нафосатни ҳис қилиш ва ифодалаш кўникмаси шакллана бошлади.

Албатта, бундан барча устозларнинг, қолаверса, ўзининг дили равшанлашар, хурсанд бўларди. Айниқса, ота-она чехраларидан устозларга нисбатан меҳр, риозилик аломатлари фарзанд камолотидан мамнуният ҳисси порларди.

Мактабни тамомлагач, ҳарбий хизматдан сўнг 1974 йили болаликдаги ҳис-туйғулари, санъатга бўлган интилиши уни Павел Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртига етаклади. Бу даргоҳда ёғоч ўймакорлиги мутахассислиги бўйича таҳсил ола бошлади. У ерда Ўзбекистон халқ рассоми, Бадиий академиянинг фахрий академиги Ортиқ Файзуллаев ҳамда Саидзамин Қосимовлардан тажриба орттирди. 1978 йили «Усто» бирлашмаси ташкил этилиб, ижодкорлар учун ҳақиқий шароитлар яратилди. Унда устози Ортиқ Файзуллаев билан бирга дастлабки фаолиятини бошлади.

Ёғоч ўймакорлиги йўналиши ўзининг жозибдорлиги, нозиклиги ва қадимий санъат тури эканлиги билан мени жалб қилди, — дейди С. Раҳматуллаев. — Бу йўналишда усталар қадимдан уч — бағдоди, ислими ва паргори ус-

лублари асосида иш юритишган.

— Ушбу санъат йўналиши қадимдан машҳурлигининг сири нимада?

— Бадиий санъатнинг бу тури деярли барча халқларда мавжуд. Ёғоч ўймакорлиги Шарқда антик дунё мамлакатлари меъморчилигида кенг қўлланилган. Ўрта Осиёда ёғоч ўймакорлиги санъати уй-рўзгор буюмларида ҳам намоён бўлиб келган. Қадимда архитектуранинг дарвоза, эшик, устунлар, турли хилдаги тўсин сингари қисмлари, хонтахта, қутчалар, стол, қаламдон ва бошқа буюмлар ўймакорлик намуналари билан безатилган.

Халқ яратган асарлар ўзининг нафосати, мураккаб усуллари, табиийлиги билан бугунги кунда киши ақлини лол қолдиради. Ҳар бир ўйма нақш заминиди қандайдир рамзий маъно яширинган. Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча турлари қатори халқ амалий санъати жуда тез суръатлар билан юксак даражага кўтарилган. Жумладан, ўймакорлик, наққошлик, кошинкорлик, сангтарошликка эътибор кучайди. Санъатнинг ўша пайтдаги бебаҳо дурдоналари ҳозирга қадар сақланиб келинмоқда.

Ёғоч ўймакорлиги ривожланиш даврида ўзига хос мактаблар мамлакатимизда 1940-50 йиллардан кейин жадал шакллана борди. Булар жумладан, Самарқанд, Қўқон, Хива ҳамда Тошкент мактабларидир.

— Фаолиятингиздаги илк таассуротларингиз...

— Бирлашмада устозим Ортиқ Файзуллаев бошчилигида дастлаб пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройи ички эшикларини беазаганмиз. Ўшанда қаттиқ ҳаяжонда бўлганман. Ишнинг бир бўлаги битганда, уни соатлаб томоша қилиб, завқланганман. Шунда кундан-кунга қизиқишим кучайиб, янгиликлар яратишга иштиёқим ортиб борди. Шу билан бирга ёғочни куриштиришнинг бутун технологик жараёнларини, нозик услублари-

ни мукамал ўрганиб бордим.

— Ўз ижодий ишларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— 1980 йили Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолигига қабул қилиндим. Янги-янги ижод намуналарим билан 1974 йилдан бошлаб республика ва хорижий давлатлардаги кўргазмаларда қатнашдим. Мустақилликка эришганимиздан кейин иш қўлами бекиёс кенгайди. 1994 йил Малайзия пойтахти Куалалумпур шаҳрида ўтган кўргазмада бир ой давомида ўйма қутчалар, панжара, турли лавҳалар, курсилар ва бошқа ўймакорлик буюмлар билан иштирок этдим. Уша йили Париждаги ЮНЕСКО биносиди ўтказилган Мирзо Улуғбекнинг 660 йиллик юбилейида, 1997 йилда Германиядаги кўргазмаларда ҳам қатнашдим.

Алишер Навоий номи Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтган кўргазмада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дипломига сазовор бўлдим. Ўтган 2003 йили Малайзияда кўргазма ташкиллаштириб, Малайзия, Индонезия, Таиланд давлатлари хунармандлари билан иш услублари хусусида тажриба алмашдим.

Турли халқаро кўргазмаларда бўлиб, хорижликларнинг амалий санъатимиз дурдоналарига бўлган қизиқиши юқори эканлигининг гувоҳи бўлдим. Улар Ўрта Осиё маданияти, санъатини ниҳоятда қадрлашади. Бойси, уларда қўл билан бажариладиган бу санъат

турлари камайиб кетган.

Ўнлаб шогирдлар билан бирга Ўзбекистон Олий Мажлиси биносиди, Темурийлар даври тарихи давлат музейида, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий макбарасиди, Ўзбек Давлат академик миллий театри, «Туркистон» концерт саройи, бошқа маъмурий ва маданий биноларнинг ички, айримларида ташқи эшикларини ва бошқа безакларини тайёрлади. Бундан ташқари Шаҳидлар хотираси ва Хотира майдонидаги ўймакорлик ишларини амалга оширдик.

— Ушбу санъат турига ҳисса қўшган устозлар иши, бугунги кундаги янги издошлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— XIX ва XX асрларда ёғоч ўймакорлиги санъатининг барча турлари кенг ривожланиб, ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос услуби пайдо бўлди. Халқимизнинг энг кўзга ташланган усталариди Олимжон Қосимжонов, Сулаймон Хўжаев, Мақсуд Қосимов, Ортиқ Файзуллаев ва бошқалар бебаҳо асарларни, санъат намуналарини яратиб, ажойиб шогирдлар етиштирдилар.

Ҳозирда «Устозода» ишлаб чиқариш корхонасиди ўттизга яқин устоз фаолият юритмоқда. Ўзбекистон халқ устаси Ҳасан Одилов, Комилжон Турдиқулов, Баҳодир Ҳакимов, Абдулла Жалилов, Ўринхўжа Ҳасанхўжаев, Иброҳим Исроиловлар шулар жумласидандир.

Сирожиддин Раҳматуллаев хунармандлар сулоласининг йўлбошчиси ҳамдир. Ўғли Камолддин шу касбда ўн йилдан буён меҳнат қилади. Укалари Фахриддин, Суннат ҳам фарзандлари Жамшид, Файрат билан миниатюра санъати ривожига ҳисса қўшмоқда.

«Ташаббус-2000» танловида ўймакор уста Сирожиддин Раҳматуллаев «Энг яхши хунарманд» номинациясиди ғолиб чиқиб, диплом, олтин медаль ҳамда Президент совғаси — «Тико» автомобили билан тақдирланди.

Қатортол қишлоғи фарзанди ўзбек маданияти, амалий санъати ривожига қўшаётган ҳисса Президентимиз томониди юксак баҳоланди. У Ўзбекистон халқ устаси унвонига сазовор бўлди.

Саид ҲАСАНОВ.

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ЗАМОН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси Марказий Осиёдаги нуфузли илмий муассасалардандир.

Бугунги кунда мазкур хизмат томониди тарқатилаётган об-ҳаво, иқлимдаги ўзгаришлар, рўй бериши қутилаётган табиий ҳодисалар, атроф-муҳит ифлосланиши даражаси ва бошқа табиий вазиятларга алоқадор тезкор маълумотлар халқ ҳўжалиги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Соҳада замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, мутахассислар малака ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилапти. Бу борада хориждаги тегишли ташкилот, муассаса, илмий

марказлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилган. Жумладан, АҚШнинг Тараққиёт агентлиги — ЮСАИДнинг Марказий Осиёда табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган об-ҳаво ва сув ресурслари ҳақидаги маълумотларни янада мукамаллаштириш, ахборот тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва алмашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар шу мақсадга йўналтирилган.

ЎЗА.

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасиди немис ва ўзбек тадбиркорлари ўртасиди кооперация биржаси бўлиб ўтди. У немис иқтисодиётининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томониди ташкил этилди.

Тадбиркорлар ҳамкорлиги

Учрашув Рейнланд-Пфальц Ери (Германия) иқтисодиёт, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги ва узумчилик вазирлиги делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасиди уюштирилди. Делегация таркибиди Forest RS, Jozef Harr & Partner Planungsgemeinschaft каби немис компаниялари вакиллари бор. Ташрифдан мақсад — ҳамкорлик учун кооперация ва инвестиция имкониятларини ўрганиш ҳамда бизнес алоқаларни чуқурлаштириш

ва кенгайтиришдир.

Немис компаниялари фаолият доирасига сайёҳлик, табиатни муҳофаза қилиш соҳасиди турли лойиҳаларни режалаштириш ва ишлаб чиқиш, инжиниринг, йўл-қурилиш техникаси ва суюқ озик-овқат маҳсулотларини идишларги қуйиш техникаси ишлаб чиқариш қиради.

Биржа давомида ISB инвестиция ва тузилма банки (Германия) тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

ЎЗА.

Саломат бўлинг

УЙҚУ ҲАМ СОҒЛИҚ ОМИЛИ

Гипертония касаллигини халқимиз хафақон хасталиги деб аташи бежиз эмас. Беморнинг уйдаги ва иш жойидаги шароитига қараб, шифокор зарур меҳнат, дам олиш, овқатланишнинг мақсадга мувофиқ тартибини тавсия этади.

Бемор ўз соғлиғига тўғри баҳо бериб, умидсизликка тушмаслиги, айти пайтда бепарво бўлмаслиги жуда муҳимдир. Қон босимини ҳуда-беҳудага ўлчавермаслик керак, чунки бу кишини асабийлаштириб, касалликнинг ўтишига салбий таъсир кўрсатади. Оиладаги ҳамда иш жойидаги хотиржамлик, осойишталик эса,



бемор кайфиятини кўтаради. Агарда қон босимининг ошганлиги аниқланса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Бу касалликни даволашнинг энг муҳим омиллариди бири — мириқиб ухлашдир. Барча аъзоларнинг, жумладан, юрак ва томирларимизнинг фаолиятини бошқарадиган асаб тизими бу вақтда ором олиб, бир меърада ишлайди. Шунинг учун кунига камида ўн соат ухлаш мақсадга мувофиқдир.

Овқатланиш тартибини тўғри ташкил қилиш керак. Кунига 4-5 маҳал тамадди ва тунги овқатни эса, уйқуга ётишдан 3-4 соат илгари истеъмол қилишга одатланинг. Тамаки ва ичкиликдан тийилганингиз маъқул.

К. ТўЛАГАНОВА,

Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали шифокори.

«КАМОЛОТ» ҒАМХЎРЛИГИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент туман кенгаши томониди ёшларни билимли, моҳир мутахассислар қилиб тарбиялаш мақсадида кўплаб эътиборли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда туман кенгаши томониди Ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежиди таълим олаётган 24 нафар аълочи ҳамда намунали талабага 80 минг сўмлик ўқув қуроллари тақдим этилди.

Воҳид ВОЙМУРОДОВ.

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) қитъамизда миллионлар ўйинида ижобий ўзгаришлар ясаш учун янгидан-янги ислохотлар ва ташаббусларга қўл урмоқда. Айниқса, 2002 йилнинг кузида футбол клубларининг энг нуфузли мусобақаси — Осиё чемпионлар лигасининг йўлга қўйилгани аксарият давлатлар спортчилари учун аини муддао бўлди.

Лекин илк маротаба ўтказилган турнирда тўплаган тажриба ОФКни 2004 йилги мусобақаларни ўтказиш тартибини ўзгартиришга мажбур қилди. Биринчи чемпионлар лигасига таклиф қилинган жамоалардан тўқизтаси мусобақанинг истиқболига шубҳа билан қараб, беллашувларда иштирок этмасликини маъқул кўрган эди. Бу гал ОФК жамоалар сонини кўпайтирмасдан, мусобақага футбол ривожланган 14 мамлакатнинг иккитадан клубини қўшди.

Чемпионлар лигасининг олтига гуруҳидаги баҳслар қизғин паллага кирган бир пайтда Бахрайнинг "Ар-Риффа" жамоаси тутган йўл футбол мутасаддиларини анча овоза қилиб қўядиган кўринади. Бу масаланинг биз учун аҳамиятли томони шундаки, "Ар-Риффа" Ўзбекистон чемпиони "Пахтакор" билан бирга "А" гуруҳидан жой олган. Аммо, дастлабки икки турда бир очко жамғарган бахрайликлар ҳамюртларимиз билан бўладиган иккита учрашувдан олдин чемпионлар лигасида иштирок этишдан бош тортди.

Аслида Бахрайнинг клублар доирасидаги энг нуфузли мусобақани "эйтибор"га олмаслиги янгилик эмас. Чунки 2004 йилги баҳслар бошланишидан олдин "С" гуруҳидан жой олган "Ал-Аҳли" ҳам беллашувларда қатнашмаслигини билдирганди. "Ар-Риффа"нинг "қилиги" гуруҳдаги вазиятни чигаллаштириб юборди.

Энди ОФК бахрайликларнинг иккита ўйини натижасини инобат-

ОСИЁ ФУТБОЛИДАГИ ЧИГАЛ ВАЗИЯТ



га олиб, қолган учрашувлар ҳисобидан "Ар-Риффа"га техник мағлубият ёзиши ҳақиқатга яқин. Аслида бундай вазиятда шу йўл тўтилади. Агарда бу иш амалга ошса, пахтакорчилар учун аини муддао бўлади. Чунки ўз-ўзидан яна олти очкога эга бўлган ҳамюртларимиз қолган икки учрашувнинг биттасида, яъни Эроннинг "Зоб Аҳан" жамоаси билан Тошкентда бўладиган беллашувда галаба қозонса, кейинги босқичга йўлланма олади.

Айни пайтда барча спорт мутахассислари, мухлислар вужудга келган вазиятни зўр бериб таҳлил қилишга киришган. Жамоатчиликнинг аксарият қисми жамоаларнинг чемпионлар лигасидан бош тортишига бу турнир ўз ўрнини тополмаётгани ва унинг мукофот жамғармаси анча кам экани сабаб бўлаётганини таъкидламоқда.

ОФКнинг катта камчилиги чемпионлар лигасининг мукофот жамғармасини аввалгисига нисбатан деярли икки баробар камайитириб

юборганидир. 2002-2003 йилги мавсумда ОФК чемпионлар лигаси мукофотлари учун 3 миллион доллар ажратганди. Жорий йилда бу кўрсаткич бир миллион саккиз юз минг доллар этиб белгиланди.

Аввалги турнирда биринчи босқичдан ўтган жамоа ҳисобида 10 минг, иккинчидан тўртинчи босқичга 15 минг доллардан тўланган. Чорак финалда бу маблағ икки баробар ошган, ярим финалда юз минг долларга етган. Финалчи жамоа 300 минг олган бўлса, қолибга ярим миллион берилган.

Маълумотларга қараганда, ҳуссан, Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ўтган йили ярим финалгача 175000 доллар топган. Агар пахтакорчилар бу йил ҳам ярим финалгача етиб борса ўз газнасига атиги 50 минг доллар қўша олади, холос. Айниқса, ОФКнинг бу йилги гуруҳ баҳсларида қатнашаётган жамоаларнинг фақат сафар ўйинига 10 минг доллар тўлаши галати туюлади. Чунки бу маблағ клубларнинг битта сафарига кетадиган харажатнинг ярмини ҳам қопламайди. Европада эса қўлга киритилган ҳар бир очкога муайян моддий мукофот ва мамлакат ҳисобига тегишли коэффицент очко берилади. Осиёда, ҳатто энг нуфузли турнирда қатнашиш жамоаларга молиявий зиён келтираётгани боис, футболчиларда бу мусобақада иштирок этиш иштиёқини сўндирмоқда.

"Ар-Риффа" масаласида ОФК қандай қарорга келишидан қатъи назар у "Пахтакор"га салбий таъсир ўтказмайди. ОФК мутасаддилари эса чемпионлар лигаси "А" гуруҳида юзага келган вазият бўйича 5 май куни якуний қарорга келишни маълум қилган.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

УМИДЖОН УМИДНИ ОҚЛАДИ



Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳрида спортнинг бокс тури бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Ўзига хос нуфузга эга бўлган турнирда Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон вакиллари иштирок этдилар.

Оғир вазнли чарм қўлқоп усталари баҳсида оққўргонлик ҳамюртимиз, Тошкент жисмоний тарбия коллежи талабаси Умиджон Тўрақулов рақибларидан ўзининг ҳар томонлама устун эканлигини намойиш этди. У ҳал қилувчи баҳсда мезбонлар вакили Отабек Камолитдиновни биринчи раунддаёқ нокаутга учратди.

— Бу йил яна бир қатор нуфузли турнирларда иштирок этиш

ниятидаман, — дейди мусобақа чемпиони Умиджон Тўрақулов. — Мақсадим галабали юришларимни давом эттириб, юртимиз шўратини янада юқори кўтариш.

Турнирнинг тақдирлаш маросимида вакилимизга мусобақанинг олтин медали ҳамда ҳомийлар совғалари топширилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ШОҲМОТ БЕЛЛАШУВЛАРИ



Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида спортнинг қатор турлари бўйича вилоят спартакиадаси бўлиб ўтди. Спартакиаданинг шоҳмот беллашувларига Қибрай тумани мезбонлик қилди. Унда 7 жамоа юқори ўринлар учун баҳс юритди.

Ўзининг чиройли ўйинлари ва пухта комбинацияларига эга бўлган қибрайлик спортчилар биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўрин Ангрен шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларига насиб этди. Чирчиқ шаҳри шоҳмотчилари эса, учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Ўртачирчиқ, Тошкент, Зангиота, Оҳангарон туманининг вакиллари навбатдаги ўринларга даъвогар-

лик қилишди. Спартакиаданинг республика босқичига Нукус шаҳрида 28 апрель куни старт берилди. Унда шоҳмот бўйича вилоятимиз шарафини Улғубек Юсуфалиев, Азиза Қўчқорова, Қодир Раҳимжонов, Хуснора Ортиқова, Анвар Маҳмадалиев, Меҳром Мадусманов каби вакилларимиз ҳимоя қилишади.

Ўз мухбиримиз.

2004 йил 19, 21, 23 апрель кунлари ўтказилган бир-жа савдосида Қибрай тумани, Бекобод шаҳри ҳудудида жойлашган 6 та нодавлат қурилиши тугалланмаган бинолар жами 1.590.000 сўмга ва Оҳангарон,

Чирчиқ, Янгийўл, Тошкент шаҳарлари, Қибрай, Паркент, Тошкент туманлари ҳудудида жойлашган 19 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами 122.920.000 сўмга сотилди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! “RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO`LIMI” MCHJ

Сизларни 2004 йил 1, 8, 15, 22, 29 июнда соат 12.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларга таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Ангрен йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармасига қарашли НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 11 АЈ 145, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 720 000 сўм.

2. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ИЖ-21251 русумли, давлат рақами 10 АV 491, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 326 400 сўм.

3. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ГАЗ-2411 русумли, давлат рақами 10 АК 055, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 760 600 сўм.

4. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ИЖ-21251 русумли, давлат рақами 10 АК 051, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 326 400 сўм.

5. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ИЖ-21251 русумли, давлат рақами 10 АN 719, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 326 400 сўм.

6. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли М-412 русумли, давлат рақами 10 АN 718, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 326 400 сўм.

7. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ИЖ-21251 русумли, давлат рақами 10 АN 725, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 326 400 сўм.

8. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ИЖ-21251 русумли, давлат рақами 10 АV 493, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 326 400 сўм.

9. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ИЖ-21251 русумли, давлат рақами 10 АN 721, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 326 400 сўм.

10. Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли ВАЗ-21061 русумли, давлат рақами 10 АV 518, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 435 200 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун 10 фоизлик закат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги аукцион савдоларда сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ Давлат ордери олиш учун давлат божи ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мо-вароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар:
133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Дилфуза – халқаро танлов ғолиби

Тошкентдаги "San'at" Ногирон болалар бадий ижодиёт марказининг олти нафар ўқувчиси Қоҳирада ўтган "Миср – болалар нигоҳида" мавзuida халқаро расмлар кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этди.

Улар орасида Дилфуза Обиджонованинг туркум расмлари биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Дилфуза илгари Япония, Чехия, Ҳиндистон каби мамлакатларда ташкил этилган кўргазмаларда ҳам муваффақиятли иштирок этганди.

Табий кўмакка муҳтож иқтидорли болалар тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, миллий ҳунармандлик сир-асрорларини ўрганаётган ушбу марказ ўқувчилари нафақат юртимиз, балки хорижий мамлакатлардаги халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда фаол қатнашиб келмоқда.

Марказ раҳбари, ҳайкалтарош Гулсара Ражабованинг маълум қилишича, ўқувчилар чизган йигирмадан зиёд расм шу йил ёзда Грециянинг Афина шаҳрида ўтажак Олимпиада ўйинлари доирасидаги танловда ҳам намоиш этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Bolalik bog'i

BULOQ

Jilvalanar marvarid toshlar,
Baliqchalar suzadi besas.
Shaffof suvi biram tiniq-ki,
Sirlarin ham aslo yashirmas.

Yashirmaydi, rangin bag'rida
Toshmi, gilm, xullas, neki bor.
U hayotning qiziq ertagi,
Uni faqat tinglamoq darkor.

Nogoh uning tinchini buzib,
Tosh otgandim,
bemavrid zarda.
Go'zalliklar chayqalib ketib,
Tortib oldi yuziga parda.
Ne'mat DUSHAYEV.



Ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданий алоқалари кўп асрлик тарихга эга. Озарбойжон Президенти Илҳом Али-

ОЗАРБОЙЖОНДА НАВОИЙХОНЛИК

евнинг яқинда юртимизга ташрифи чоғида пойтахтимизда Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Низомий Ганжавий ҳайкали очилди.

Озарбойжон ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга кўра, 27 апрелда Бокудаги Рашид Бехбудов номидаги Давлат мусиқа театрида "Фузулий ва Навоий шеърият кечаси" ўтказилган. Тадбирда Озарбойжоннинг таниқли маданият ва санъат арбоблари,

шоир ва ёзувчилари, Ўзбекистоннинг Озарбойжондаги элчихонаси вакиллари иштирок этган.

Кечада икки буюк шоир бебаҳо меросининг бугунги кундаги аҳамияти, шунингдек, ўзбек ва озарбойжон халқларининг ҳаётидаги муштараклик ҳақида сўз юритилган. Тадбирда сўзга чиққан мамлакатимизнинг Озарбойжон Республикасидаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Абдуғофур Абдурахмонов, Ўзбекистон "Маънавият ва маърифат" маркази

раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, озарбойжонлик таниқли навоийшунос олима Жаннат Нагиева ва бошқалар икки миллат адабиётининг етук намояндалари ижодидаги умумийлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик намунаси эканини таъкидладилар.

Кечада озарбойжонлик санъат усталари ижросида Навоий ва Фузулий ғазалларига басталанган кўшиқлар янгради.

ЎЗА.

Хажвия

Соғлом бўлай десанг, солиқдан қочма.
(Янги чиққан шиор).

Тўйчиевни бир идорага чақирдилар. У сахар туриб йўлга тушди. Бу идорага кириш ҳам қийин экан. Эшикда бир қорувул, чархпалакдек айланма тўсиқдан ўтсанг, яна бир қорувул. Тўйчиев кўлидаги қоғозини пеш қилиб, аранг ичкарига ўтиб олди.

Ваҳимали хонада жиккаккина, олакўз йигит ўтирган экан. Тўйчиев уни таниди, лекин ўзини танимаганга олди.

— Яхшимисиз, ука. Чақиртирган экансиз, келдик.

Олакўз столдан бошини кўтармай тўнгиллади:

— Ҳм, чақирмасак келмайсизми? Бойлик орттириш деганда дўппингизни тишлаб югурсиз, солиқ тўлашга келганда думингизни тутқазмайсиз! Шунақами?

— Унчалик эмас, — деди Тўйчиев, — биз ҳамма солиқларни ўз вақтида тўлаб турибмиз.

— Фамилиянгиз?

— Тўйчиев. Саттор Тўйчиев.

— Ҳозир кўрамиз-да, — деди жиккак йигит ва ёнбошидан қалин дафтар олиб титкилай бошлади, — Тоймасов, Турдиев... Ҳа, мана, Тўйчиев Саттор.

Ие, машинангиз бор экан-ку? «Нексия»! Суперсалон! Қуллук бўлсин...

Тўйчиев айбдор кишидек хижолат бўлди:

— Раҳмат. Ҳа энди бир кўнгил кетган эди-да...

— Мен сизга машина қуллук бўлсин, дейётганим йўқ, солиқдан қочиб юрганингиз қуллук бўлсин, деяпман!

— Қочиб юрганим йўқ, — деди Тўйчиев, — уни эндигина олдим.

Йигит иягини кўтариб чимирлиди:

— Айтмоқчи, ўша «Нексия»ни

қайси пулга олгансиз, билсак бўладими? Декларациянгиз борми?

— Эскироқ бир «Москвич»им бор эди, уни сотдим, кейин қайнимдан, укамдан қарз олдим.

— Ҳўш, «Москвич»ни-чи, уни ҳам қарзга олувдингизми?

— Йўқ. Аввал «Запорож»им

экан? Нима, сиз етти туғиб бир қолганимисиз?

— Отангиз мендан қарз эди. Эсингизда бўлса, сиз институтга кириб ўқиб олдингиз. Кейин дадангиз олдимга йиғлаб келди, «Жон Тўйчиев, институтда танишларинг бор экан, бизнинг ўғилчага ёрдам беривор, яхшилигингни унутмайман» деди. Бир амаллаб сизни институтга жойладик. Эвазига велосипед-



бор эди. Сотдим. Ойликдан бир сиқим-бир сиқим орттириб...

Олакўз йигит товушини кўтарди:

— Ҳов, амаки! «Запорож» осмондан тушмайди. Уни ҳам пулга берадилар. Ўзингиз анчайин бир ўқитувчи экансиз. Ойликдан орттириб машина олдим деганингизга қайси аҳмоқ ишонади? Тўғриси айтиверинг!

— Ундан олдин велосипедим бор эди...

Олакўз энди ошқора калака қилишга ўтди:

— Велосипедни ҳам ҳойнаҳой, қарзга олганман, дерсиз?

— Йўқ, — деди Тўйчиев, — уни менга сизнинг отангиз совға қилган эди.

Олакўз йигит оғзини қийшайтириб ажабланди:

— Нега энди менинг отам сизга велосипед совға қилар

лик бўлиб олдим.

Жиккак амалдор севиниб кетди.

— Ана-а... Масала равшан. Демак, сиз бир ҳалол, меҳнаткаш одамдан пора олгансиз! Мана «Нексия»нинг илдижи қаёқда экан! Мен бу ишни шундайлигича қолдирибман. Хали гувоҳларни чақириб гаплашамиз.

Тўйчиев эшикка қараб юрди.

— Отангизни ҳам чақириб эсингиздан чиқмасин, — деди аста. Олакўз жазаваси тутиб бақирди:

— Керак бўлса чақиртирамиз ҳам!

Тўйчиев индамай чиқиб кетди.

У билади, Олакўз икки дунёда ҳам отасини чақиролмайди. Чунки, унинг отаси ўлган эди.

Саъдулла СИЁЕВ.

Рассом хангаси



— Фарзандларингизга айтинг, ўрин-кўрпа, дори-дармон олиб келишсин.

А. ҲАКИМОВ расми.

Бу қизик

ЭНГ КИЧИК МАШИНА

1962 йилнинг ноябрь ойида Бирмингем мотосалонида, шу салон ходимларига Peel P50 номли янги лойиҳа кўрсатилди. У Британия ва Ирландия орасидаги «МЕН» оролида қурилган. Бу машина 49 сантиметрли, 2 тактли двигателъ ёрдамида ишлаб, бензин учун 5 литрли бакка эга. Узунлиги 127 сантиметрга етадиган бу автомобилнинг тезлиги соатига 65 км. бўлиб, унинг нархи 199 фунт-стерлинг эди. Машина кўпроқ аёллар учун мўлжалланган бўлиб, кўп харидлар учун қулай арава ўрнини босган. Афсуски, кичкина Peel P50 Британиянинг йўлларига дош беролмади. Ҳозирги кунда Хэмпшир музейида унинг биттагина нусхаси сақланади.



Даврон АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.



Кечаси +4...+9
Кундузи +21...+26

Сергели тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Орипов Шохрух Ботирович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Миробод тумани томонидан рўйхатга олинган «ВЕТ-ХИМ-МЕД» МЧЖнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКОЕ ПРАВО

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзиллими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-648. Адади 5887. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5